



6. Новикова Е.В. Психологическая коррекция личности при маргинальной профессиональной ориентации // Психологическое сопровождение подготовки специалистов в вузе: Материалы н-практ. конф. Новосибирск, 1988. – С. 42-52.
7. Психология личности. Словарь-справочник / под ред. П.П. Горностая, Т.М. Титаренко. Киев, 2001.
8. Стрельцов В.В. Социальная адаптация «трудных» учащихся в условиях ПК общности: Автореф. канд. психол. наук. – Ярославль, 1999. - С. 21-26.
9. Судаков К.В. Системные механизмы эмоционального стресса. – М., 1981.



Содиқова Гулбарно Одилжон қизи,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси 1-курс таянч докторанти

ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУАММОСИНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Аннотация: Мазкур мақолада қарор қабул қилиш муаммосининг психологик жиҳатлари, илмий-назарий асослари таҳлили билан тадқиқ этилиб, тегишли хулосалар чиқарилган.

Калим сўзлар: қарор қабул қилиш, психологик хусусиятлар, рационал ёндашув, шахс, хулқ-атвор.

Аннотация: В данной статье исследуется проблема принятия решений, анализируются психологические аспекты принятия решений, теоретические основы решения и делаются соответствующие выводы.

Ключевые слова: принятие решений, психологические особенности, рациональный подход, личность, поведение.

Annotation: The article investigates the problem of decision making through thorough analysis of the psychological aspects of decision making. According to the theoretical foundations appropriate conclusions are drawn.

Key words: decision making, psychological characteristics, rational approach, personality, behavior.

Методика: Т.В.Корнилованинг “Қарор қабул қилиш Мэлбурн сўровномаси”дан фойдаланилди.

Эмпирик таҳлил. Қарор қабул қилиш жараёни математика, психология, иктисодиёт, менеджмент, социология ва бошқа аниқ фанлар томонидан ўрганилади. Психологияда қарор қабул қилиш когнитив жараён ҳисобланиб, натижада бир нечта алтернатив имкониятлар орасидан фикр ёки ҳаракат йўналиши танланади. Ҳар бир қарор қабул қилиш жараёни ҳаракатни келтириб чиқариши ёки келтириб чиқариши мумкин бўлган якуний танловни амалга оширади. Қарор қабул қилиш-бу фикрлаш жараёни, ҳаракатларнинг мақсади ва усуслини олдиндан билиш, турли хил вариантларни ўрганиш. Ушбу жараённинг энг муҳим хусусияти унинг иродали хулқ-атвори билан боғлиқ ҳисобланади. [1] Қарор қабул қилиш-қарор қабул қилувчининг кадриятлари ва афзалликларига асосланиб, алтернативларни аниқлаш ва улар орасидан танлаш жараёнидир. Қарор қабул қилиш инсон фаолиятининг барча турлари учун хос бўлган ҳодисадир. Масалан, қарор-натижа, нимадандир хулоса чиқармоқ, қарор қилмоқ, ҳукм; қарор қилмоқ-фикрлаб, бирон-бир хулосага келмоқ, муайян хатти-ҳаракат қилиш зарурияти; нимадир ҳақида ҳукм чиқармоқ ҳисоб-китоб қилиш натижасида изланган нарсани аниқлаш; қарорга эришмоқ-фикрлаш, шубҳаланиш, иккиланишлардан кейин хатти-ҳаракатнинг қандайдир услубини танлаш; нимадир қилишга журъат этиш.[2]

Қарор қабул қилиш - инсон хатти-ҳаракатининг энг муқобилини топишга қаратилган ҳаётий муҳим фаолият. Инсон хулқ-атворидаги қарор танлаш ва қабул қилиш натижаси бўлган хатти-ҳаракат унинг охириги заруриятини трансформация бўлиш занжирининг сўнгги



босқичидир. [3] Бошқача айтганда, “Инсон нимани хоҳласа ўшани қила олиши мумкин, лекин унинг хоҳишлари чегарасиз эмас”, “Инсонлар у ёки бу нарсаларни ўйлаганлари учун эмас, балки ниманидир қилиши керак бўлгани учун қиладилар”. [4]

Рус ёзувчиларининг асарларида ҳам қарор қабул қилиш муаммоси ўз аксини топган. (Г.С.Сковорода, Ф.М.Достоевский, Л.Н.Толстой ва бошқалар).

Л.Н.Толстойнинг фикрича, инсон ҳаётий қарорларни қабул қилишида устунлик қилувчи когнитив ёндашувга амал қилади. Шунингдек у, “Идрок қарорини ҳеч нима ўзгартира олмаслигини инсон нимани билса фақатгина идрок орқали билишини таъкидлаб ўтган”. [5]

Л.Толстой мустақил қарор қабул қилишни инсон донолиги ва фалсафий категорияларидан бири бўлган яхшилик ва ёмонлик характеристикаси билан боғлайди. “Доно инсон кўп нарсани билишида эмас, балки қайси билимлар инсонга зарур эканлигини билишидир. Барча зарур билимлар инсонга ёмонлик қилмаслик ва иложи борида инсонларга яхшилик қилиш кераклиги ҳақида фикр юритади”. [6]

Инсон ақл-идрокиннинг бундай фарқланиши, тўғри ва эҳтиёткор қарор қабул қилиши билан, вазиятларда зарур бўлган билимларга таяниб, инсон тажрибасида мавжуд бўлган воқеалар билан таққослайди. Қарор қабул қилиш нафақат ҳаётий билимларга, балки мукамал хатти-ҳаракатларнинг хотирада сақланишига, интеллектуал баҳоланишига, аввал олинган маълумотларини тўғри тушунишга, ҳамда шахснинг индивидуал ҳаётий тажрибасига асосланади.

Қарор қабул қилиш эркинлиги муаммоси Ф.М.Достоевскийнинг адабий асарларида ҳам ўз аксини топган. Ёзувчи, ҳаётий муҳим қарорларни шахсий масъулият билан чамбарчас боғлаган. Масъулиятни қабул қилмасликни у ишончсизлик деб ҳисоблайди, бу эса ҳар қандай қарор қабул қилишдан қочиш учун маънавий жиҳатдан ноаниқ вазиятга олиб келади.

Ф.М.Достоевский қарор қабул қилиш жараёнини, энг аввало, шахснинг ахлоқий соҳаси, унинг маънавияти, дунёқараш хусусиятлари, идеаллари, ҳаёт мазмуни ва қадриятлар тизими билан боғлайди. Қарор қабул қилиш фақат ақл ва туйғу доирасида эмас, балки шахснинг юқори психик вазиятларини ҳам ўз ичига олади. [7]

“Қарор, деб ёзади Э.Смирнов, - инсоннинг ақлий фаолияти маҳсули бўлиб, у ёки бу хатти-ҳаракатни амалга оширишга олиб келадиган ҳулосасидир. Қарор муайян мақсадга қаратилган бўлиб, бирор қисқа ёки узок муддатли вазифани амалга оширишга, содир бўлаётган жараёни давом эттиришга ёхуд тўхтатишга йўналтирилган бўлиши мумкин”. [8] Демак, қарор-инсон ақлий фаолиятининг маҳсули бўлиб, унинг фаолиятини режалаштиради, тартибга солади.

Қарор қабул қилиш мураккаб фикрлаш жараёни бўлиб, муаммони англаш, мақсадни қўйиш ва унга эришиш учун восита танлаш.

Танлов сифатида қарор қабул қилиш К.Левиннинг психологик соҳасидаги назариясида акс эттирилган бўлиб, унда муаллиф ва инсоннинг яшаш майдончасини таҳлил қилиш метадологиясини очиб беради. Ҳаётий макон бу назариянинг асосий тушунчаси бўлиб, инсоннинг ўзига бўлган муносабатини шакллантирадиган бугун, ўтмиш ва келажакдаги воқеаларни ўз ичига олади. Улар талабчан, жозибали ва жирканч одам тасвирлари, инсон фаолияти ва шунга ўхшаш нарсаларга эришиш учун ҳақиқий мақсад ёки тўсиқлар бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси, маълум бир вазиятда одамнинг хатти-ҳаракатини белгилайди. [9]


Д.Келли ижодкорликка таяниб қарор қабул қилишни кўриб чиқади. Унинг фикрига кўра, ижодкорлик чексиз структуранинг пайдо бўлиши билан бошланади ва қатъий тартибли ва тасдиқланган тузилишга эга бўлади. [10] Д.Келлининг назариясига кўра, қарор қабул қилиш усулларини таҳлил қилишда, вазият ноаниқлигини камайтириш, импульсивлик ва ижодкорлик цикллари орқали индивидуал эркинлик даражасини ошириш каби турли хил муқобилларининг аҳамиятини баҳолашни эмас, балки тўсиқларни енгиб ўтиш имкониятларини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди. Бунинг учун инсон онгининг таркибий қисми бўлган ижодкорлик, фикрлаш қобилияти ва шахс ижодкорлиги сифатида ишлатиш мумкин, бу ҳаётий қарор қабул қилишда шахснинг юқори мослашувчанлигини таъминлайди.

Тадқиқотни амалий жиҳатдан ўрганишда Т.В.Корнилованинг “Қарор қабул қилиш Мэлбурн сўровномаси”дан фойдаланилди. Тажрибавий тадқиқотларимизда жами бўлиб 53



нафар ўсмирлар қатнашди. Яъни тадқиқот объекти сифатида умумий ўрта таълим мактабининг 10 синф ўқувчилари иштирок этишди.

Диаграмма № 1.



1-диаграммадан кўриниб турганидек, ўсмирларда мустақил қарор қабул қилишнинг психологик омиллари “Хушёрлик” шкаласи бўйича юқори кўрсаткич ўқувчиларда бу кўрсаткич 16,52 ни ташкил этади. Бу кўрсаткичга эга бўлган ўсмирлар қарор қабул қилишдан олдин барча алтернативларни кўриб чиқишга, турли муаммоларнинг энг самарали ечимини қидиришга ва янги маълумотларни тўплашга ҳаракат қилишади. Ўз мақсадлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишгани боис, ҳаётий масалаларга доир қарорларни қабул қилишда уларда қийинчиликлар юзага келмайди.

“Қочишга мойил” шкаласи бўйича ўртача кўрсаткичга эга бўлган ўқувчиларда эса 10,93 баллни ташкил этади. Бу кўрсаткичга эга бўлган ўсмирлар маълум бир вазиятларда ота-онасининг қарорларига, кўмагига, қўллаб-қувватлашига эҳтиёж сезишади, шунингдек, улар масъулиятли бўлишдан, ҳаётий қийинчиликларга дуч келиб қолишдан кўришади. Мустақил қарор қабул қилишга доир билим ва кўникмаларнинг камлиги туфайли улар мустақил қарор қабул қилишдан қочишга мойил бўлишади.

“Кечиктириш” шкаласи бўйича ўртача кўрсаткичга эга бўлган ўқувчиларда бу кўрсаткич 7,41 баллни ташкил этади. Ўсмирлар асосий қарорни қабул қилишдан олдин улар кўп вақтларини кичик ишларни бажаришга сарфлайдилар. Улар охириги дақиқагача қарор қабул қилишни кечиктиришга ҳаракат қилишади. Қарор қабул қилиб бўлганидан кейин ҳам уни бажаришни орқага суришади.

“Жуда хушёрлик” шкаласи бўйича ўртача кўрсаткич 8,48 баллни ташкил этади. Бу кўрсаткичга эга бўлган ўқувчилар қарор қабул қилаётганида, уларга вақт етарли бўлмайди, улар ўз қарорларини тез-тез ўзгартиришади. Ўсмирлар муаммога дуч келишганида яхши ечим тополмаслигига нисбатан ишончсизлик ҳисси пайдо бўлади. Шунингдек, улар ўз қарорларини тўғри эканлигини ўзларига ишонтариш учун ҳам кўп вақт сарфлашади, шошилиш қарор қабул қилиш керак бўлганида эса улар тиниқ фикрлай олишмайди.

Жадвал № 1.

Маълумотлар орасидаги корреляцион муносабат натижалари

Хушёрлик	қочишга мойил	-0,548**
	кечиктириш	-0,359*
	жуда хушёрлик	-0,417*
Қочишга мойил	хушёрлик	-0,548**
	қочишга мойил	0,377*
	жуда хушёрлик	0,517**
Жуда хушёрлик	хушёрлик	-0,417*
	қочишга мойил	0,533**
	кечиктириш	0,517**

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Ўқувчиларининг мустақил қарор қабул қилишининг психологик омилларини ифодаловчи шкалалар ва умумий кўрсаткичлари ўртасида ўзаро ўрта даражада боғланишга эга бўлган корреляцион алоқалар кузатилди. Бу корреляцион муносабатлар қуйидаги шкалалар орасида боғланди. Хушёрлик шкаласи билан қочишга мойил (-0,548**),



кечиктириш (-0,359*) ва жуда хушёрлик (-0,417*) кўрсаткичлари, қочишга мойил шкаласи билан хушёрлик (-0,548**), қочишга мойил (0,377**) ва жуда хушёрлик (0,517**) кўрсаткичлари, жуда хушёрлик шкаласи билан хушёрлик (-0,417*), қочишга мойил (0,533**) ва кечиктириш (0,517**) кўрсаткичлари орасида алоқалар намоён бўлди.

Ушбу хулосадан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, энг муҳим қонуниятлардан бири бўлган-хаётий қарорларни қабул қилиш элементларнинг таркибини тузиш, унинг босқичлари, вазиятларни танлаш шахснинг назорати остидадир.

Хулоса. Шуни таъкидлаш керакки, ҳозиргача психология фанида ягона умумлаштирувчи психологик қарорлар қабул қилиш назарияси мавжуд эмас, бироқ қарор қабул қилиш шароитида одамларнинг хулқ-атворини тавсифловчи ва изоҳлайдиган вазият ишлаб чиқилган. Ушбу масалани кўриб чиқишда методологик ёндашувнинг асосини аниқлашга уринишдан аввал психология ва унга оид фанларда тўпланган барча маълумотларни, уларнинг ҳаёти ва илмий тажрибасини синаб кўриш зарур. Айнан, қарор қабул қилиш муаммосига турли хил ёндашувларнинг мавжудлигини кўрсатади, бу эса тегишли фанларда ва илмий тенденцияларда параллел равишда мавжуд бўлиб, ўз қарор қабул қилиш истиқболларини ўрганади.

Адабиётлар:

1. В.С.Диев. Проблемы выбора и принятия решений в междисциплинарном контексте. Вестник ТГУ Философия. Социология. Политология 2013. № 2(22) – С 42.
2. Ожегов С. И., Шведова Н. Ю. Толковый словарь русского языка: 80 000 слов и фразеологических выражений / Российская академия наук. Институт русского языка им. В. В. Виноградова. - 4-е изд., дополненное. — М.: Азбуковник, 2000.
3. Ларичев О.И. Иеория и методы принятия решений. Учебник. - М.: Логос, 2000. – С.33.
4. Фишер К.Артур Шопенгауэр. СПб.:Лань, 2001. – С. 608.
5. Дружинин В.Н. Когнитивные способности: структура, диагностика, развитие /В. Н. Дружинин. - М. : ПЕР СЭ; СПб.: Иматон – М, 2001. - 224 с.
6. Толстой Л. Н. Круг чтения: Избранные, собранные и расположенные на каждый день Л. Толстым мысли многих писателей об истине, жизни и поведении. – Т. 1. – М.: 2002. – С. 478.
7. Достоевский Ф. М. Собр. соч. в 10 т. – Т. 5. Преступление и наказание / Ф. М. Достоевский. - М. : Гос. изд-во худ. лит-ры, 2007 – С. 600.
8. Смирнов Э.А. Управленческие решения. – М.: 2001. – С. 39
9. Левин К. Динамическая психология: Избр. тр. / - М. : Смысл, 2001. - 568 с.
10. Kelly G. A. The psychology of personal constructs. A theory of personality. Vo1. 1. - New York: Norton, 2011.-. Pp. 526.



Akbarov Soxodilla Yuldashboyevich,

Namangan davlat universiteti Pedagogika va psixologiya kafedrasi katta o'qituvchisi

SHAXS IJTIMOYILASHUV JARAYONLARINING PSIXOLOGIK TAVSIFI

Annotatsiya: Maqolada ulg'ayib kelayotgan yosh avlodning shaxs sifatida kamol topishida ijtimoiylashuv jarayonining muhimligi haqida so'z boradi, shaxsning shakllanishiga bevosita ta'sir etadigan ijtimoiy-psixologik omillar, ayniqsa oila muhitining hal qiluvchi o'rni keng yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: shaxs, jamiyat, ruhiy taraqqiyot, ijtimoiylashuv, ijtimoiy normalar, ijtimoiy omillar, oila muxiti.

Annotation: The article explores the importance of the psocesses of socialization in the development of younger generation as individuals. Social- psychological factors that directly influence the formation of the personality, in particular, the decisive role of family environments are widely presented.